

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НАБИЕВА ДИЛДОРА АБДУМАЛИКОВНА**

**ПОДАГРАДА ЖИГАР ФУНКЦИЯСИ БУЗИЛИШИНING  
ПАТОГЕНЕТИК РОЛИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТАШХИСИ ВА  
ДАВОЛАШНИING ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Набиева Дилдора Абдумаликовна**

Подаграда жигар функцияси бузилишининг патогенетик  
ролини ҳисобга олган ҳолда ташхиси ва даволашнинг янги  
технологияларини ишлаб чиқиш..... 3

**Набиева Дилдора Абдумаликовна**

Разработка новых технологий диагностики и лечения  
подагры с учетом патогенетической роли нарушений  
функций печени ..... 27

**Nabieva Dildora Abdumalikovna**

Development of new technologies of diagnosis  
and treatment of gout, taking into account the  
pathogenetic role of disorders of liver functions ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НАБИЕВА ДИЛДОРА АБДУМАЛИКОВНА**

**ПОДАГРАДА ЖИГАР ФУНКЦИЯСИ БУЗИЛИШИНING  
ПАТОГЕНЕТИК РОЛИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТАШХИСИ ВА  
ДАВОЛАШНИING ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib44 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Ризамухамедова Машкура Закировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Хамраев Аброр Асрорович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Қаюмов Улугбек Каримович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Россия дипломдан кейинги таълим академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2. Тел/Факс: (+99871) 150-78-25. E-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru).)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2. Тел/Факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестер баённомаси).

**А.Г. Гадаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б. Х. Шагазатова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А. Л. Аляви**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор, академик

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сийдик кислотаси (СК) тўпланиши касаллиги – подагра эркакларда энг кўп тарқалган бўғимларнинг яллиғланиш касаллиги бўлиб, бу касаллик билан катта ёшдаги эркакларнинг 2–4% и касалланади<sup>1</sup>. Подагра нафақат ревматологиянинг долзарб муаммоларидан бири, балки умумтиббий муammo ҳам ҳисобланади. Ушбу далил подагра билан касалланиш даражасининг ўсиб бораётганлиги билан боғлиқ. Бунда меҳнат қобилиятининг йўқотилиши нафақат таянч-ҳаракат аппарати зарарланиши, балки касалликда висцерал зарарланиш, жумладан, улар орасида етакчи ўринлардан бирида турадиган жигар зарарланиши билан боғлиқ. Жигар пуриннинг керагидан ортиқ ишлаб чиқарилишида иштирок этадиган метаболик аъзо сифатида метаболик мувозанатнинг тикланишини талаб этади, чунки подаграда жигарнинг ёғли гепатоз (ЁГ) кўринишида зарарланиши қонуниятга асосланган ҳодиса ҳисобланади ва бу подагранинг нафақат патогенезида, балки унинг авж олишида муҳим омил эканлигини кўрсатади.

Подагранинг сурункали авж олиб бориши шифокорлар олдида уни имкон борича эртароқ ташхислаш вазифасини кўяди. Бироқ ушбу патологияни эрта босқичларида аниқлаш талайгина қийинчиликлар туғдиради. Ҳозирги кунгача подаграни аниқлаш учун аниқ лаборатор тест топилмаган. Фақат кўпгина клиник ва лаборатор белгиларнинг кўшилиб келиши ушбу касалликни ташхислашда ёрдам бериши мумкин. Шу сабабли подаграни таянч-ҳаракат аппарати дегенератив касалликлари орасидан ажратиб олишга имкон берадиган текшириш усулларини излаш ҳозирги вақтда ҳам долзарб вазифа ҳисобланади. Дунё бўйича подаграни эрта ташхислаш усулларини ўрганиш, касаллик хавф омилларини аниқлаш, самарали даволаш усуллари ва профилактикаси бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Олиб борилган кўп марказли тадқиқотлар гиперурикемияни аниқлашнинг анъанавий усулларида бир-бирига ўхшаш бўлмаган натижалар олинганлигини кўрсатади ва бу касалликни ташхислашда янги биомаркерли молекулаларни аниқлашни тақозо этади.

Бугунги кунда республикамызда касалланиш кўрсаткичларини пасайтириш ва аҳолининг ҳаёт давомийлигини узайтириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига<sup>2</sup> биноан турли соматик касалликларни даволаш, профилактика ҳамда ташхислашнинг замонавий технологияларини қўллаш йўли билан касаллик туфайли келиб чиқадиган ногиронликнинг олдини олиш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатиб,

<sup>1</sup> Ватулин Н.Т., Смирнова А.С., Гриценко Ю.П. Диагностика, лечение и профилактика подагры: международные клинические рекомендации 2014 г. Современная ревматология. 2015, № 9 (3). С. 70-72.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида.

аҳолининг турли қатламларида ҳаёт сифатини оширишни такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Подагра патогенези асосий аспектларини, ташхислаш ва даволашнинг асосий масалаларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан: University of Oxford (Centre for Evidence-Based Medicine), Hoboken University Medical Center (Нью-Джерси), University of California, New York University, Department of Immunology and Infectious Diseases, Harvard School of Public Health (Boston), University of California at San Diego (АҚШ); Changzhou Second People's Hospital, Nanjing Medical University, Wenzhou Medical University, Clinical Medical Research Institute, The First Affiliated Hospital of Xinjiang Medical University (Хитой); The University of Western Australia (Австралия), Koc University School of Medicine, (Istanbul, Туркия); Department of Medicine, Dongguk University, Department of Family Medicine, Yonsei University College of Medicine (Корея); Graduate Institute of Clinical Medical Sciences, Chang Gung University (Тайван); Medical Imaging Research Center, Shiraz University of Medical Sciences (Эрон), University of Vienna (Австрия), В.А.Насонова номидаги ревматология илмий-текшириш институти (Россия), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилган.

Подагранинг жигар зарарланиши билан бирга кечиши, уни ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришни тадқиқ қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: подагра ва гепатобилиар тизим патологияси ўртасида ўзаро боғлиқлик қайд этилган (Clinical Medical Research Institute, The First Affiliated Hospital of Xinjiang Medical University (Хитой); СК даражасининг жигар сурункали касалликлари билан боғлиқлиги исботланган (Graduate Institute of Clinical Medical Sciences, Chang Gung University (Тайван); подагралари ва

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи [www.pubmed.gov](http://www.pubmed.gov), [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com), <http://rheumatology.stanford.edu>, [www.sciencedomain.org](http://www.sciencedomain.org), <http://www.oxfordjournals.org>, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov>, <https://onlinelibrary.wiley.com>, <https://jkms.org/>, <https://www.hindawi.com>, <https://www.sciencedirect.com/>, [www.rheumatolog.ru](http://www.rheumatolog.ru) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилади.

псевдоподаграли беморларда жигар ноакоголь ёғ касаллигида зарарловчи омилларнинг фаркли аспекти аниқланган (Harvard School of Public Health, АҚШ); подаграли ва псевдоподаграли беморларда жигар ноакоголь ёғ касаллиги ривожланишининг иммунологик механизмлари ёритилган (University of California at San Diego, АҚШ; В.А.Насонова номидаги ревматология илмий-текшириш институти, Россия), шунингдек, подаграли беморлар ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича илмий ишлар олиб борилган (University of Vienna, Австрия).

Подаграни жигар функцияси бузилишининг патогенетик ролини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ва даволаш самарадолигига эришиш мақсадида қатор, жумладан, қуйидаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: подаграли беморларда метаболик синдромнинг учраш даражаси таҳлилини амалга ошириш ва подагранинг тоғусли шакли ривожланишида ёғли гепатоз омилларини асослаш; мазкур касалликда липид, оксил, энергия алмашинуви хусусиятларини аниқлаш; протеом профилини ҳисобга олган ҳолда диагностик ва прогностик мезонларни ишлаб чиқиш; подаграни даволашнинг замонавий усулларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур касаллик муаммоларига бағишланган илмий изланишлар муаммога тизимли ёндашув билан характерланади (Ватулин Н.Т., Смирнова А.С., Гриценко Ю.П., 2014; Kuo C.F., Grainge M.J., Zhang W., et al., 2015). Шу далил анча аҳамиятга молик, яъни инфламмасомалар ва уларнинг натрий моноурати ёрдамида фаоллашуви кашф этилишига асосланиб, подагра ва патогенетик звенолари ўхшаш бўлган псевдоподагра билан хасталанган беморлар учун долзарб бўлган даволашнинг таргет усулларини олиб бориш мумкин бўлиб қолди (Martinon F., 2010; Martin W.J., Shaw O., Liu X., et al., 2011). Шунингдек, подагрик артрит ва метаболик синдром билан хасталанган беморларнинг асосан қон плазмасида оралиқ метаболизмнинг токсик бирикмалари тўпланиши билан боғлиқ эндоген интоксикация синдроми мавжудлиги аниқланди. Подагрик артрит билан хасталанган беморларда эндотоксемия ва метаболик синдромни (МС) аниқлаш касалликнинг клиник манзараси ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун муҳим бўлибгина қолмай, балки подаграли беморларни патогенетик асосланган, рационал даволашнинг асосий йўналишларини танлашда устувор аҳамиятга эга (Bass M., Merriman R., 2010; Hwang I.C., Suh S.Y., Suh A.R., et al., 2011).

Подаграни ташхислаш ва даволашда хавф омилларини, гепатобилиар патологияни фармакологик бартараф этиш, потенциал гепатопротектив самарадор фармакологик препаратларни қўллаш тавсия этилади (Arrondee E., 2002; Костюченко А.Л. ва бошқ., 2000; Matsuda K. et al., 2001; Nitta M. et al., 2002; Bosh T., 2003; Malchesky P.S. et al., 2001; 2004).

Подагра ва жигар патологияси ўзаро боғлиқлиги муаммолари замонавий илмий адабиётларда ёритилган бўлса ҳам, подагранинг жигар функцияси бузилишини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш муаммолари алоҳида илмий-тадқиқот мавзуси

сифатида ўрганилмаган. Юқорида кўрсатиб ўтилганлар мазкур диссертация тадқиқот ишининг илмий методологик асоси бўлиб хизмат қилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ички касалликлар диагностикаси ва даволаш самарадорлигини янги йўллари излаш. Профилактикасининг рационал усуллари» (01.070070 рақами билан Давлат рўйхатига олинган) йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** подагра ривожланиши ва авж олишида жигар функцияси, патогенезининг алоҳида бўғинлари, олиб борилаётган даво самарадорлигини ҳамда касалликнинг клиник-функционал хусусиятлари, уларнинг метаболик синдром ва жигар патологияси билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

подаграли беморларда ҳаёт сифатини сўровнома маълумотлари асосида популяцион назорат стандартлаштирилган кўрсаткичлари билан солиштириб баҳолаш ва касаллик кечиши билан ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

подагра оғирлик даражасини белгилашда клиник, лаборатор ва функционал белгиларнинг аҳамиятини аниқлаш;

подаграли беморларда МС ифодаланганлик даражасини касалликнинг шакли билан боғлиқлигини аниқлаган ҳолда баҳолаш. Беморларнинг мазкур категориясида липид ва оксил алмашинуви ҳолатини ўрганиш;

замонавий диагностик ёндашувлар (юқори самарали суяқлик воситасидаги хроматография, масс-спектрометрия) ёрдамида подагрик жараён оғирлиги ва беморларнинг қони ҳамда сийдигида сийдик кислотаси даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;

подаграда жигарнинг энергия ҳосил қилувчи ва детоксикацион функциясини ўрганиш. Подаграли беморларда жигар эндотоксик функцияси бузилишининг МС билан боғлиқлигини аниқлаш;

подаграли беморларда плазмаферез (ПФ) ва анъанавий давонинг қоннинг асосий метаболик кўрсаткичларига ижобий таъсирини қиёсий баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси негизидаги Республика ревматология марказида стационар даволанган ва амбулатория кузатувида бўлган 30 ёшдан 70 ёшгача бўлган 154 нафар подаграли бемор танлаб олинган. Назорат гуруҳини ёши ва жинси бўйича мос келувчи 30 нафар соғлом кўнгиллилар ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** клиник-биокимёвий, цитокин ва протеом профили асосий кўрсаткичларини миқдорий аниқлаш учун вена қони ва зардоб, сийдик массаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда клиник-функционал, биокимёвий, иммунофермент, масс-спектрометрик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.



**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

подаграли беморларда жигар патологияси мавжуд бўлганда гиперурикемия кучайиши ва шунга мувофиқ касалликнинг оғир кечиши исботланган;

подагрик артрит ва жигар патологияси билан хасталанган беморларнинг асосан қон плазмасида оралик метаболизм токсик бирикмалари тўпланиши билан боғлиқ бўлган эндоген интоксикация синдроми борлиги аниқланган;

жигар патологияси билан биргаликда келган подагрининг клиник хусусиятлари, қон зардоби биомаркер оқсиллари (калгранулин А S100A8 – миелоид-ассоцирланган оқсил-8 (MRP-8); калгранулин В S100A9 – миелоид-ассоцирланган оқсил-14 (MRP-14)) каби янги лаборатор ташхис мезонлари аниқланган ҳамда юқори технологик усуллар – масс-спектрометрия, юқори самарали суюқлик воситасидаги хроматографияни қўллаш йўли билан подагрининг, шу жумладан, унинг тоғусли шаклининг ривожланишида жигарнинг роли аниқланган;

подагра патогенези ҳақида иммун тизим ва биокимёвий жараёнларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда янада аниқроқ тасаввур яратилган; мазкур касалликни прогнозлаш, мониторинглаш ва даволашнинг янги самарали усуллари ишлаб чиқилган;

подаграли беморларни жигарнинг патогенетик ролини ҳисобга олган ҳолда комплекс даволашда гепатопротекторларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

клиник, лаборатор, масс-спектрометрик ва инструментал текшириш усуллари натижасида подагрининг кечиши ва ривожланишида жигарнинг роли борлиги асосланган;

подагра кечишининг касаллик шакли билан боғлиқ клиник-лаборатор хусусиятлари аниқланган;

подаграли беморларда касалликнинг ижтимоий аҳамиятини белгилайдиган инсон ҳаётининг турли жабҳаларига таъсири тўғрисида тасаввурга эга бўлиш билан бирга ХСни, олиб борилаётган давонинг самарадорлигини баҳолаш имконияти яратилган;

подаграда жигардаги патологик ўзгаришларни бартараф қилишда гепатопротекторларнинг самарадорлиги исботланган;

дори воситалари билан даволаш самарадорлигини ошириш учун плазмоферезни қўллаш йўли билан эндотоксемия маҳсулотлари даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ўтказиш тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда замонавий, апробациядан ўтган, бир-бирини тўлдирадиган лаборатор-инструментал ва статистик усулларнинг қўлланилгани, подагра билан хасталанган беморлар сонининг етарлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан адекватлиги, хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти подагра касаллигининг клиник

хусусиятлари ва патогенетик механизмлари илмий ўрганилгани билан изоҳланади. Тадқиқотда аниқланган подагранинг клиник шакли билан уйғунлашган протеом маркерлар касаллик оғирлиги ва асоратларини прогношлаш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, подаграли беморларда жигар зарарланишидан гувоҳлик берадиган ва беморларни комплекс даволашда гепатопротекторларни қўллашни талаб этадиган эндотоксемиянинг юқори учраш даражаси аниқланди. Подагра ривожланиш механизмларига самарали таъсир кўрсатиш учун гипоурикемик, детоксикацион ва яллиғланишга қарши таъсир кўрсатадиган эфферент усуллар қўлланилган фармакотерапийадан фойдаланиш зарур.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Подаграда жигар зарарланиши патогенетик ролини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ва даволашнинг янги технологияларини ишлаб чиқишга бағишланган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Гипоурикемическая терапия при подагре» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 8н-р/98-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома подагранинг комплекс давосига гипоурикемик ва детоксикацияловчи хусусиятларига эга эфферент даволаш усулларини қўллаш билан бирга гепатопротекторларни қўшган ҳолда комплекс ва патогенетик асосланган даволаш имконини берган;

«Превентивная диагностика и лечение подагры» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 8н-р/99-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома жигар функцияси бузилишининг патогенетик ролини ҳисобга олиб подаграни ташхислаш имконини берган ва касаллик шакли билан боғлиқ ҳолда дифференцирланган давони танлашга хизмат қилган.

Тадқиқот давомида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникаси, Республика ревматология маркази, Ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник шифохонаси, Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий марказига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги 8н-д/84-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши касалликни ташхислашни такомиллаштириш, даволашга индивидуал ёндашиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва нохуш оқибатларнинг олдини олишга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14

мақола, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, амалиётга тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 196 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Подаграни ўрганишнинг ҳозирги кундаги ҳолати. Муаммолар ва истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида келтирилган охириги йилларда чоп этилган адабиётлар шарҳида подаграни ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашувлар таҳлил қилинган, мазкур касалликдаги метаболик синдром ривожланишида жигарнинг патогенетик роли ёритилган. Подаграни экстракорпорал усулларидан фойдаланиб даволашнинг стратегик асосларига бағишланган адабиётлар маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Подагралли беморларни текшириш материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари келтирилган. Улар объект, предмет ва текшириш усуллари, ҳамда қўлланилган статистик усулларни ўз ичига олган.

Ишнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ таснифий мезонларга [Wallace S.L., 1977] асосан подагра ташхиси қўйилган 154 нафар бемор 2012 йилдан 2016 йилгача Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси негизидаги Республика ревматология марказида стационар даво олганлар ва амбулатория кузатувида бўлганлар. Барча беморлар – эркаклар. Беморларнинг ўртача ёши  $56,6 \pm 5,4$ ; касалликнинг ўртача давомийлиги  $8,8 \pm 7,8$  йилни (анамнез маълумотлари бўйича) ташкил қилди.

Барча беморлар касаллик шаклига кўра 2 гуруҳга ажратилди:

I гуруҳ – тофуссиз подагралли беморлар ( $n=69$  киши, 44,8%);

II гуруҳ – тофусли подагралли беморлар ( $n=85$  киши, 55,2%).

Назорат гуруҳини 30 нафар соғлом эркаклар ташкил қилди (ўртача ёши  $40 \pm 7$  ёш). Бундан ташқари ҳаёт сифатини (ХС) солиштириш учун популяция гуруҳ текширувдан ўтказилди. Бу гуруҳ респондентларида (90 киши) ёш билан боғлиқ функционал бузилишлар ёки бўғим патологиясининг алоҳида симптомлари бўлиши мумкин.

Даволаш хусусиятларига кўра беморлар куйидаги 2 гуруҳга ажратилди: I гуруҳ – традицион даво қабул қилган беморлар (34 нафар тофуссиз подагралли бемор ва 48 нафар тофусли подагралли беморлар); II гуруҳ –

традицион давони плазмаферез билан биргаликда қабул қилган беморлар (37 нафар тоғусли подаграли беморлар).

Тадқиқотга киритиш мезонлари: аниқ подагра ташхиси, тадқиқотда иштирок этиш учун беморнинг ёзма розилиги.

Истисно қилиш мезонлари: қандли диабет, ҳар қандай локализациядаги ўсмалар; жигарнинг вирусли, аутоиммун, алкоголь билан зарарланиши; жигарнинг ўчоқли зарарланиши (паразитар, метастатик); ошқозон-ичак тракти инфекциялари ва инвазиялари.

Барча респондентлар ёшига кўра 4 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ – 30–39 ёш ( $n=2$ ); 2-гуруҳ – 40–49 ёш ( $n=30$ ); 3-гуруҳ – 50–59 ёш ( $n=66$ ); 4-гуруҳ – 60 ва ундан катта ( $n=56$ ).

Барча беморларнинг шикоятлари, касаллик ва ҳаёт анамнези, физикал маълумотлари баҳоланди. Барча беморларда  $m/h^2$  формула орқали тана вазни индекси (ТВИ) баҳоланди, бунда  $m$  – тана вазни,  $h$  – бўй узунлиги. Умумий қабул қилинган усуллар бўйича гемограмма, жигарнинг зардоб маркерлари кўрсаткичлари [аланин- (АЛТ) ва аспартат-(АСТ) аминотрансферазалар, ишқорий фосфатаза (ИФ),  $\gamma$ -глутамилтранспептидаза, умумий билирубин ва фракциялари даражаси, оксил ва фракциялари, иммуноглобулинлар (Ig) А, М ва G], холестерин (ХС), юқори зичликка эга липопротеидлар (ЮЗЛП), зичлиги паст липопротеидлар (ЗЛП), зичлиги жуда паст липопротеидлар (ЗЖЛП), триглицеридлар (ТГ), глюкоза, сийдик кислотаси, С-реактив оксил (СРО) аниқланди. Қон зардоби ва сийдикда протеинограмма ПААГда 2D-электрофорез ва хромато-масс-спектрометрик таҳлил усуллари ёрдамида аниқланди.

Қон зардобда сийдик кислотаси концентрацияси ферментатив колориметрик уриказали тестни қўллаган ҳолда «HUMAN» (Германия) фирмасининг тест тизими ёрдамида аниқланди.

Азот оксиди (NO) эндоген продукцияси  $NO_2+NO_3$  (мкмоль/л) ионлари турғун метаболитларининг йиғиндиси маълумотлари бўйича спектрофотометрик усул билан аниқланди.

СРО «Master Plus» (Италия) анализаторида иммунотурбодиметрик усул билан аниқланди.

ЎНО- $\alpha$  (Ўсма некрози омили- $\alpha$ ) даражаси CYTELISA HUMAN TNF- $\alpha$  Cytimmune (USA) тўпламидан фойдаланиб иммунофермент таҳлили ёрдамида стандарт усул билан аниқланди.

Жигарнинг энергия ҳосил қилиш фаоллиги АТФ, АДФ, АМФни «LKB» (Швеция) газ-суюқлик хроматографида хроматографик усул билан, кейинчалик СФ «BECKMAN»да спектрофотометриялаш усули билан аниқлаб баҳоланди.

Беморларда психологик текширув клиник ва психометрик текширувлар маълумотларига кўра олиб борилди. Текширув қуйидаги усулларни камраб олди: «Ҳаёт тарзи индекси», ХС SF-36 шкаласи бўйича текшириш.

Инструментал ташхислаш жигарни ва ўт йўлларини «АЛОКА-SSD 630" аппарати ёрдамида ультратовуш текширишни ўз ичига олади. Жигар тўқимасида фиброз структур белгиларини аниқлаш учун «Фиброскан»

(Echosens, Франция) аппаратида ультратовушли эластометрия амалга оширилди.

Подагра клиник кечишини ва оғирлик даражасини аниқлаш учун қуйидаги мезонлар танланди:

яллиғланишнинг визуал белгиларини мавжуд яллиғланган бўғимлар сони. Бўғимлар яллиғланишининг характерли белгиси – пастдан тепага, яъни оёқ панжасининг I панжа-фаланга, болдир-товон, тизза, қўл ва қўл панжалари бўғимларининг классик зарарланиши;

текшириш протоколига мувофиқ кўзга кўринадиган тофуслар ва уларнинг жойлашуви;

оғриқ синдроми ифодаланганлик даражасини 100 мм ли визуал аналогли шкала (ВАШ) бўйича даволаш динамикасида баҳолаш;

клиник кузатувлар ва лаборатор текширувлар натижаларини *статистик таҳлил* қилиш учун персонал компьютер MS Excel электрон жадваллари ва Statistica for Windows v.6,0 статистик дастури (Боровиков В.П., Боровиков И.П., 1997) ҳамда InStat, Биостат (Гланц С., 1999) дастуридан фойдаланилди. Оксил-биомаркерлар суюқлик воситали хроматография тандем масс-спектрометрия (LC/MS) билан вазн/заряд муносабатларига мос келувчи ҳар бир оксилнинг молекуляр массасига кўра ( $\pm 1\%$ ) потенциал оксилларни идентификациялаш учун TagIdent (ExPASy®) дастурида иерархик тарзда гуруҳланди. Иерархик кластеризация ва статистик таҳлил Epi Info™ 6.0 версияси дастурий таъминотидан фойдаланиб олиб борилди.

Диссертациянинг «**Подаграли беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида подаграли беморлар ҲС касалликнинг шакли билан боғлиқ ҳолда ўрганиш натижалари батафсил баён қилинган. Подаграда ҲС ўртача кўрсаткичлари популяция назоратдан паст бўлган ( $p < 0,05$ ). Яъни, жисмоний фаолият кўрсатиш, ижровий жисмоний фаолият кўрсатиш шкалалари бўйича, оғриқ интенсивлиги ва саломатликнинг умумий ҳолати бўйича ҲС популяциядагига караганда 6–16 баллга кам бўлди. Бу шундан гувоҳлик берадики, подагра беморлар жисмоний фаоллигини, жисмоний юкломани кўтара олиш ва кундалик хатти-ҳаракатларни бажариш қобилиятини жиддий равишда чеклайди, уларнинг чидамлилиқ қобилиятини пасайтиради. Яшовчанликнинг ўртача стандартлаштирилган ( $46,86 \pm 3,8$ ,  $p < 0,05$ ) ва ижтимоий фаолият кўрсатиш кўрсаткичлари ( $43,31 \pm 3,21$ ,  $p > 0,05$ ) ҳам популяциядагига нисбатан паст бўлган ва ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги ҳамда ижтимоий муносабатлар даражаси чекланганлигидан гувоҳлик беради.

Подаграли беморларнинг тофусли ва тофуссиз гуруҳларида солиштирма таҳлил олиб борилганда тофусли беморларда янада кучлироқ ифодаланган ўзгаришлар қайд этилган. Яъни тофусли беморларда жисмоний фаолият кўрсатиш кўрсаткичи тофуссиз беморлардаги аналогик кўрсаткичдан 2% кам бўлган. Саломатликнинг умумий ҳолати ҳам  $47,64 \pm 2,41$  га нисбатан  $36,12 \pm 2,21$  ни ташкил қилиб, 31% га паст бўлган ( $P < 0,05$ ).

**«Подаграли беморларда метаболик силжишлар тавсифи ва протеом профили таҳлили»** деб номланган тўртинчи бобида МС беморларнинг ёши ва касалликнинг шакли билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган, текширилаётган беморларда цитокин, липид ва протеом профили ўрганилган.

Подаграли беморларда МС учраш даражаси таҳлил қилинганда МС 30–39 ёшли беморларнинг 50% ида учраши қайд этилди. 40–49 ёшлилар гуруҳида МС 21 беморда (70%), 50–59 ёшлилар гуруҳида 45 беморда (68%) ва >60 ёшлилар гуруҳида 41 нафар беморда аниқланди (73%). 154 нафар беморни қамраб олган мазкур тадқиқотда МС подаграли беморларнинг ўртача 70,1% ида (n =108) аниқланди.

Коагулограмманинг асосий кўрсаткичлари ўрганилди. Подаграли беморларнинг иккала гуруҳида гемокоагуляциянинг баъзи кўрсаткичлари текширилганда ўртача ифодаланган гиперфибриногенемия ва протромбин индекс ошиши тенденцияси аниқланди. Тромбопластин вақти (ЧТПВ) кучлироқ ўзгаришга учради, яъни назорат гуруҳи кўрсаткичи  $25,33 \pm 0,51$  сек. ни ташкил қилган ҳолда тофуссиз подаграли беморлар қонида  $29,25 \pm 0,43$  сек гача, тофусли подаграда эса  $39,85 \pm 1,39$  сек гача ошганлиги қайд этилди ( $P < 0,05$ ).

Периферик қонда тромбоцитлар сонининг  $150 \times 10^9$ /л (80,8%) дан кам бўлиши, тромбопоэтин ва АЧТВ 35 пг/мл (сек) дан баланд бўлиши подагра шакллари фарқлашда юқори аниқликка эга бўлди.

Ва асосий метаболик кўрсаткич – СК ҳақида. Барча подаграли беморларда клиник кечиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда СК даражаси юқори бўлган. Тадқиқотдан олинган натижалар гиперурикемия кўрсаткичларининг тофусли подаграли беморларда назорат гуруҳидагига нисбатан ишонарли фарқ қилишини (2 баробардан ортиқ юқори бўлган) кўрсатди.

МСни тавсифлаш учун биз подаграли беморлар қонида макроэргик фосфатларни касаллик клиник кечишининг оғирлиги билан боғлиқ ҳолда аниқладик. Яъни тофусли подаграли беморларда АТФ даражаси назорат гуруҳига нисбатан 42% га, тофуссиз беморларда 26,7% га паст бўлди. Бунда тофусли беморларда (2-гуруҳ) АТФ даражаси 1-гуруҳга нисбатан 43,8% га паст бўлди.

Подаграли беморларнинг 1- ва 2-гуруҳларида эритроцитларда АДФ даражаси ҳам мос равишда 21,6% ва 26,7% га паст бўлди.


Подаграли беморларнинг эритроцитларида АМФ, аксинча, соғлом одамларга нисбатан юқори бўлди. Яъни 1- ва 2-гуруҳларда АМФ даражаси назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори бўлиб, мос равишда 19,3% ва 51,2% ни ташкил қилди.

2-гуруҳ беморларида АМФ миқдори 1-гуруҳ беморлари кўрсаткичларидан 1,3 баробар юқори бўлди. АТФ/АДФ нисбати назорат гуруҳи билан солиштирилганда тофуссиз беморларда 5% ва 2-гуруҳ беморларида 43,3% га паст бўлди.  $\text{АДФ} \times \text{АМФ} / \text{АТФ}$  коэффициенти назорат

кўрсаткичидан 21,3% 1-гурух беморларида ва 2,6 баробар 2-гурух беморларида баланд бўлди.

Шундай қилиб, аниқланган силжишлар подаграда МС ривожланишига фон бўлиб хизмат қилади. Биз олиб борган МС мезонларини аниқлашда устунликлар эволюциясининг таҳлили илгариги тавсиялар асосан углевод ва ёғ алмашинуви бузилишининг умумий симтомларига таянганлигига гувоҳлик беради. Уларни ўтказиш соғлиқни сақлаш амалиётида ҳаммабоп ҳисобланади. Бироқ муаммо шундаки, МС клиник белгилари пайдо бўлганда тиббиётнинг профилактика имкониятлари анчагина чекланиб бўлган бўлади. Буларнинг барчаси метаболик силжишларнинг подагра билан юқори ассоциативликни кўрсатади.

Протеом тадқиқи баённомасини мувофиқлаштириш мақсадида IL-8 титри энг юқори бўлган 10 нафар текширилувчида (>50 пг/мл) ва энг паст бўлган 10 нафар текширилувчида (<10 пг/мл) оқсиллар субпопуляциясининг масс-спектрометрик таҳлилини ўтказишга қарор қилинди. Масс-спектрометрия натижаларига кўра оқсиллар экспрессияси профиллари IL-8 паст бўлган 10 нафар (<10 пг/мл) ва юқори бўлган (>50 пг/мл) 10 нафар бемор ўртасида дифференциал экспрессияланган потенциал оқсилларнинг аниқ фарқлаб бўлинган субпопуляцияларидан иборат.




**1-расм. Масс-спектрометрик оқсиллар чўққиларининг TagIdent тизими бўйича номзод маркерлари текислангандан кейин MRP8, MRP14 ва MRP8/14 оқсилларига мос келиши**

Оқсил молекулаларининг TagIdent базаси билан автоматлаштирилган солиштириш натижаларига кўра яллиғланиш ҳужайралари адгезияси ва миграцияси ҳамда иммун жавоб ривожланишида иштирок этадиган ҳужайраларга жавобгар 486 потенциал биомаркер оқсиллари орасида энг кўп экспрессия ягона гетеродимер ҳосил қилувчи (24,0 кДа) ҳамда калпротектин сифатида маълум бўлган калгранулин А S100A8 – миелоид-ассоциирланган оқсил-8 (MRP-8) (10,8 кДа) ва калгранулин В S100A9 – миелоид-ассоциирланган оқсил-14 (MRP-14) (13,2 кДа)да қайд этилди (1-расм).

Гетеродимер MRP8/MRP14 оқсилдан ташқари, IL-8 нинг ошиши ҳам 12692-12698 диапазолидаги оқсиллар – катепсин В, хромогранин А (CMGA), фибронектин тип 3 (FNDC5), калликреин-пептидаза 8 (KLK8), амилоид А4 (SAA4), ўсишни трансформацияловчи омил β (TGFβ)нинг хромотографик чўққилари билан корреляцион боғлиқ бўлди, бироқ уларнинг экспрессия



катталиги юқорида кўрсатилган MRP8/MRP14 гетеродимеридан минимум 22 баробар паст бўлди. Оксил гетеродимер комплекси MRP8/MRP14 айланиб юрувчи IL-8 титри билан аниқ ижобий боғлиқликни кўрсатди ( $p=0,009$ ) (2-расм).




**2-расм. Тофусли подаграли беморларда (доиралар) ва симптомсиз гиперурикемияли текширилувчиларда (учбурчаклар) MRP8/14 даражасининг ошиши IL-8 титри билан корреляцион боғлиқ**

Бунда подагра билан хасталаниш давомийлиги ва тофуслар мавжудлиги IL-8 нинг MRP8/MRP14 га нисбати билан ижобий корреляцион боғлиқ бўлди ( $p=0,041$ ). Иккала текширилаётган гуруҳларда ҳам сийдик кислотаси даражаси MRP8/MRP14 ёки IL-8 юқори титри билан кучсиз корреляцион боғлиқликни кўрсатди ( $p=0,084$ ), бу қон зардобида сийдик кислотаси даражаси турлича бўлганда подагранинг турли даражада ифодаланган клиник белгилари ва коморбид патология билан ўзаро мос келади.

MRP8/14 атерогенлик индекси (УХС-ЮЗЛП)/(ЮЗЛП) билан ижобий корреляцион боғлиқликка эга. Подаграли беморлар қон зардобида прояллийланиш цитокинлари гуруҳлари ва айланиб юрувчи протеомни таҳлил қилиш йўли билан олиб борилган тадқиқотлар подагрик артритли беморларда таргет биомаркерлари мавжудлигини кўрсатди.

**Подаграли беморлар сийдигида протеомни текшириш.** Назорат гуруҳи аъзоларида ( $n=20$ ) барча сийдик намуналарининг хромато-масс-спектрометрик таҳлили натижасида 224 турли оксиллар идентификация қилинди (UniProtKB номенклатураси бўйича). Модомики, оксиллар турли тўқималарда экспрессияланиб, тўқималардан қонга, кейин эса сийдикка кўшилар экан, оксилларнинг ушбу йиғиндисини тўқималарга мансублигини аниқлаш лозим эди. TiGER маълумотлар базасидан мазкур базада сақланаётган инсон турли тўқималари учун генларнинг тўқимага специфик экспрессияси ҳақидаги ахборотлар асосида аниқланган оксиллар ва тўқималар ўртасида мутаносиблик тўғрисидаги маълумотлар олинди. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда идентификацияланган оксилларнинг умумий сонидан 124 таси учун тўқималарга мансублик маълум (3-расм).





**3-расм. TiGER маълумотлар базаси бўйича оқсилларнинг тўқималарга мансублиги**

Маълум бўлдики, сийдикда мавжуд бўлган оқсиллар деярли барча тўқималарни тақдим этади. Уларнинг энг кўп қисми жигарда (32), буйракда (17), қон ҳужайралари орқали (13), энг кам қисми – 1 тадан оқсил ўпкада, ингичка ичакда ва тимусда экспрессияланади.

Подаграда барча намуналарнинг масс-спектрометрик таҳлили натижасида сийдикда 195 турли хил оқсиллар идентификацияланди (UniProtKB номенклатураси бўйича).

Шундай қилиб, ажратиш тизими функциялари билан ассоциатив боғлиқликни намойиш этувчи оқсиллар идентификацияланди. Мазкур протеинлар, шунингдек, патологик таъсирга сезувчанликни намойиш этадилар ва бу подаграли беморлардан олинган намуналарда уларнинг учраши корреляцияси билан тасдиқланади.

Диссертациянинг «Подаграда иммун статус ҳолати» деб номланган бешинчи бобида подаграли барча беморларда иммун статус бузилиши натижалари келтирилган: фагоцитар ҳужайралар функционал фаоллиги пасайганлиги, CD3<sup>+</sup> ва CD4<sup>+</sup> Т-лимфоцитлар ҳамда IgG даражаси камайганлиги аниқланди. CD8<sup>+</sup> миқдори стабил бўлган ҳолда лимфоцитларнинг, шунингдек, CD3, CD4, лимфоид ҳужайралар субпопуляциялари абсолют миқдори камайишини иммунитет Т-тизимининг функционал миқдорий етишмовчилиги сифатида баҳолаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Иммунрегулятор индекс (ИРИ) даражаси таҳлили гиперурикемияли беморлар гуруҳида ИРИ қийматининг ошиши тенденциясини кўрсатди. Яъни назорат гуруҳида ИРИ қиймати 1,60±0,13 ни ташкил қилган бўлса, тофуссиз подаграда 2,0±0,11 га етди, подагранинг тофусли шаклида эса 2,1±0,1 ни ташкил қилди (1-жадвал).

Подагра шароитида CD16<sup>+</sup> и CD95<sup>+</sup> рецепторларини ташувчи ҳужайраларнинг сезиларли ошиши содир бўлади. Яъни агар тофуссиз

шаклида CD16<sup>+</sup> и CD95<sup>+</sup> кўрсаткичлари назорат кўрсаткичларидан мос равишда 1,8 ва 3,6 баробар баланд бўлган бўлса, тофусли шаклида 2,03 ва 4,9 баробар баланд бўлган.

Чамаси подагарали беморлар қонида Т-хужайравий популяция дефицити уларнинг натурал киллер хужайралари ҳисобига кучли парчаланиши ёки уларнинг апоптик ҳалок бўлиши билан боғлиқ. Бунда плазмада А, G ва М иммуноглобулинлар миқдори сезиларли ошган.

Маълум бўлишича, иммун яллиғланиш жавоби ривожланишида прояллиғланиш цитокинларига катта аҳамият берилади. Симптомсиз гиперурикемияли текширилганларга нисбатан беморларда подагрининг хуружлараро даврида ИЛ-8, ИЛ-10 прояллиғланиш цитокинларининг сезиларли ошиши содир бўлади.

Маълумки, гиперурикемия шароитида ЎНО-α ва ИЛ-6 каби цитокинлар ишлаб чиқарилиши кучаяди. Мазкур тадқиқотда бу подагралар гуруҳида ЎНО-α 3,34±2,84пг/мл ни ташкил қилди.

### 1-жадвал

#### Текширилаётган гуруҳларда иммунфермент таҳлили маълумотларига кўра цитокинлар профили

Кўрсаткич, пг/мл	Тофусли подагралар беморлар (n = 85)	Симптомсиз гиперурикемияли беморлар (n = 14)	P
ИЛ-1β	2,92 ± 0,81	2,21 ± 0,45	0,0154
TNF-α	4,34 ± 2,84	1,92 ± 1,10	0,0972
ИЛ-2	4,73 ± 1,77	3,45 ± 0,89	0,0861
ИЛ-4	1,38 ± 0,53	1,36 ± 0,40	0,0028
ИЛ-6	4,92 ± 2,26	3,75 ± 0,53	0,0142
ИЛ-8	38,08 ± 9,82	17,18 ± 5,61	0,0002
ИЛ-10	11,21 ± 2,18	6,45 ± 0,61	0,0078
ИЛ-20	7,50 ± 4,61	4,37 ± 0,75	0,0870
ИЛ-23	45,5 ± 4,01	99,8 ± 7,64	0,0024

Подагралар беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 2,26 баробар юқори бўлган прояллиғланиш цитокини – ЎНО-α фаоллигини пасайтиришга йўналтирилган N0x метаболитларининг MS ли беморлар гуруҳида керагидан ортиқ ишлаб чиқарилиши биз томонимиздан ҳимоя механизми деб қаралади.

Шунингдек, айланиб юрувчи ИЛ-8 ва яллиғланишнинг ўткир фазада кўрсаткичлари – СРО ва эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ) ўртасида ижобий коррелятив боғлиқлик бўлмаганлиги аниқланган (p=0,012).

ИЛ-2, TNF-α, ИЛ-6, ИЛ-20 титрлари бўйича натижалар кенг доира ичида ўзгариб турди ва белгиланган ишончли интервалдан юқори бўлди, чамаси,

иммунологик текширув объектлари кам танланганлиги ва кўрсаткичларнинг прогностик жиҳатдан аҳамиятли тенденцияси йўқлиги билан боғлиқ.

Корреляцион таҳлил олиб борилганда зарарланган бўғимлар сони ва қон зардобидида TNF- $\alpha$  даражаси ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик (корреляция коэффиценти 0,42,  $p < 0,05$ ), шунингдек ВАШ ёрдамида баҳоланадиган оғриқ синдромининг интенсивлиги билан IL-10, IL-20 ва IL-23 ўртасида ҳам тўғри корреляцион боғлиқлик (корреляция коэффиценти 0,33 дан 0,48 гача,  $p < 0,05$ ) аниқланди.

**«Подагра ривожланишида жигарнинг патогенетик роли»** деб номланган олтинчи бобда жигар ва билиар тракт зарарланишининг клиник белгилари келтирилган бўлиб, бундай зарарланиш 1-гуруҳ беморларининг (подагранинг тофуссиз шакли) 40% ида, 2-гуруҳнинг 85% ида аниқланди. Абдоминал оғриқ ва билиар дисфункция симптомлари текширилганларнинг 30% ида аниқланди. Подаграда билиар дисфункция учун ёғли ва қовурилган овқат истеъмоли билан боғлиқ оғиз тахир бўлиши, ўнг қовурға остида қайталанувчи оғриқлар, кўнгил айнаши, метеоризм, диарея хос бўлган.

Мазкур тадқиқотда, авваламбор, подаграли беморларда қоннинг жигар зарарланишини акс эттирадиган баъзи кўрсаткичлари ўрганилди.

Тофуссиз подаграда қонда умумий липидлар (УЛ) ошиш тенденциясига эга, холестерин (ХС), айниқса триглицеридлар назорат гуруҳига нисбатан 20% ва 37,7% га ошади. Тофусли подагранинг 24% ҳолларида қонда ХС даражаси меъёрида бўлганда липопротеидлар нисбатининг ЗПЛП ва ЗЖПЛП ошиши фойдасига ўзгарганлиги кузатилди. УЛ даражасида статистик аҳамиятга эга ўзгаришлар аниқланмади. Патологик жараён фаоллиги ошиб бориши билан (тофуслар пайдо бўлиши) мазкур тенденция авж олиб боради ва ХС, УЛ ва триглицеридлар (ТГ) ошиши мос равишда 40,0%, 28,1% ва 73,6% ни ташкил қилди.

Подаграли беморларда гипертриглицеридемиянинг ёш билан боғлиқ диморфизми текширув вақтида ТГ нинг қон зардобидидаги даражаси билан тескари корреляцион боғлиқлик орқали тасдиқланди ( $r = -0,20$ ,  $p = 0,0083$ ).

Тофусли подаграли беморларда аниқланган гиперхолестеринемия тофуссиз беморлар кўрсаткичларига нисбатан янада кўпроқ ифодаланган дислипидемия ва атероген триглицеридемия билан ассоциацияланди, бу эса ўз навбатида метаболик силжишларнинг чуқурлигини кўрсатади.

Қон липид спектри таҳлилида гиперурикемияли гуруҳда атероген липидлар даражаси ошиши тенденцияси аниқланди. Тофусли подаграли беморларда аниқланган гиперхолестеринемия тофуссиз беморлар кўрсаткичларига нисбатан янада кўпроқ ифодаланган дислипидемия ва атероген триглицеридемия билан ассоциацияланди ( $p = 0,008$ ). Биз томонимиздан СК ва УХС ( $r = 0,346594$ ,  $p = 0,000021$ ), ТГ ( $r = 0,367424$ ,  $p = 0,000006$ ), ХС ЗПЛП ( $r = 0,231299$ ,  $p = 0,005445$ ), ҳисоблаш коэффиценти-ИА ( $r = 0,204404$ ,  $p = 0,001433$ ) билан ўртача кучли тўғри корреляцион боғлиқликлар аниқланди.

## Подагралли беморлар қон зардобиди липид профили кўрсаткичлари

	Кўрсаткич	Назорат гуруҳи	Подагралли беморлар	
			тофуссиз	тофуслар билан
1.	ХС (ммоль/л)	4,94 ± 0,02	5,90 ± 0,16*	6,92 ± 0,16*, **
2.	ЗПЛП (мг/дл)	2,90 ± 0,019	3,89 ± 0,18*	5,02 ± 0,16*, **
3.	ЗЮЛП (мг/дл)	1,55 ± 0,05	1,34 ± 0,04*	1,06 ± 0,02*, **
4.	ЗЖПЛП (мг/дл)	0,48 ± 0,01	0,66 ± 0,02*	0,84 ± 0,02*, **
5.	ТГ (ммоль/л)	1,06 ± 0,003	1,46 ± 0,003*	1,84 ± 0,05*, **
6.	УЛ (г/л)	3,59±0,25	4,05±0,34	4,60±0,16*
7.	ФЛ (ммоль/л)	7,60±0,50	7,11±0,41	5,12±0,15*, **
8.	ХЛ/ФЛ	0,32±0,01	0,42±0,03*	0,86±0,05*, **
9.	Атерогенлик коэффициентлари	2,18 ± 0,020	3,39 ± 0,024*	5,52 ± 0,29*, **

Изоҳ: Фарқлар ишончли ( $p < 0,05$ ): \* – назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан; \*\* – тофусли ва тофуссиз беморлар кўрсаткичлари ўртасида ( $p < 0,05$ ).

Айни вақтда текширилаётган беморларнинг қонида умумий фосфолипидлар (УФЛ) ҳам ўзгаришга учради. Бунда патологик жараён фаоллиги ошиб бориши билан биологик мембраналари қурилиши учун муҳим бўлган мазкур субстратнинг камайиши кузатилади. Яъни подагралнинг тофуссиз шаклида УФЛ миқдори атиги 6,5% ( $P > 0,05$ ), 2-гуруҳда эса 32,6% га камаяди (2-жадвал).

Жигар организмда детоксикацион функциянинг амалга оширилишига жавобгар. Шу сабабдан бизнинг навбатдаги вазифамиз подагралли беморларда эндотоксемия даражасини аниқлаш бўлди. Қонда модда алмашинуви маҳсулотлари, пластик субстратлар, биологик фаол моддалар, хужайралар парчаланиши маҳсулотлари, оксилларнинг аномал шаклларининг тўпланиши шубҳасиз организм интоксикациясига олиб келади.

Организмда гаптоглобин (Нр)нинг роли гемоглобин ташувчилик билан тугамайди. Яъни Snellmann ва Sylven Нр деструкция жараёнини камайтиришини аниқлаганлар. Нр бириктирувчи тўқиманинг репарация жараёнларидагина эмас, балки парчаланиш маҳсулотларини дезинтоксикациялантиришда ҳам иштирок этади. Нр миқдорининг камайиши детоксикация жараёнларининг кучсизланганлигидан гувоҳлик беради.

Тофуссиз подаграда Нр миқдори 82,2% ни ташкил қилиб, назорат кўрсаткичидан 17,8% га камайди (3-жадвал). 2-гуруҳ беморларида бу кўрсаткич 29% ни ташкил қилди (назорат кўрсаткичидан 71% кам).

3-жадвалдан кўриниб турибдики, подагралли беморларнинг 1-гуруҳида ЎМП, ВН, СММ ва олигопептидлар концентрацияси назорат гуруҳи кўрсаткичларидан мос равишда 5,0, 2,33 ва 1,33 баробар, 2-гуруҳда эса –

8,54, 4,0 ва 3,5 баробар юкори бўлди. Бундан келиб чиқадики, жигар зарарланиши шароитида патологик жараён фаоллиги билан тўғри боғлиқликда бўлган эндотоксемиянинг аниқ белгилари кузатилди.

### 3-жадвал

#### Подаграли беморлар қонида эндотоксемия кўрсаткичлари

Текширилган гуруҳлар		Гаптоглобин г/л	ЎМП мг/мл	ВН и СММ (тб)	Олигопептидлар (тб)
Подагра	Тофуссиз	3,15±0,21*	2,05±0,16*	38,4±3,3*	1,67±0,14*
	Тофуслар билан	2,35±0,21*	3,20±0,21*	54,24±4,22	1,46±0,19*
Назорат		3,83±0,22	0,44±0,02	11,6±0,4	0,68±0,05

Изоҳ: \* – назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан фарқлар ишончилиги (P<0,05).

Гепатопатиялар клиник жиҳатдан симптомсиз кечди ва мақсадга йўналтирилган текширувлар давомида аниқланди. Аниқланган биокимёвий силжишлар билан параллел тарзда жигарда инструментал текшириш усуллари ёрдамида аниқланадиган функционал ва структуравий ўзгаришлар қайд этилди.

Ультратовушли эластометрия усули билан текширилганда асосий гуруҳдаги 23% беморларда жигар фибрози белгиларининг турли даражалари аниқланди, шу билан бирга қиёсий гуруҳ беморларида 11% ҳолатда кузатилди.

УТТ маълумотлари таҳлили кўрсатишича, текширилган контингентнинг фақат 12% ида жигарда патологик ўзгаришлар аниқланмади ва бу фақат 5% беморларда ўзгаришлар аниқланган қиёсий гуруҳдаги аналогик текширувлардан ишонарли фарқ қилди (P<0,001).

Ўт қопида тошлар подаграли беморларнинг 50% ида аниқланди (қиёсий гуруҳда 7% ида ( P<0,001).

Шундай қилиб, подаграда жигар функциясининг зарарланиши эндотоксемия ва липид алмашинуви кўрсаткичларининг ўзгариши билан намоён бўлиб, бу инструментал текширув усуллариининг натижаларида ўз исботини топган.

Диссертациянинг «**Подаграли комплекс даволашда гепатопротекторлар ва эфферент усуллар қўлланилишининг самарадорлиги**» деб номланган еттинчи бобида сурункали подаграли беморларни даволашда гепатопротекторлар ва ПФ билан даволаш самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган. Мазкур тадқиқотда сурункали подаграли 30 нафар беморда «Л'эсфаль» гепатопротекторининг жигар ҳолатига таъсири ўрганилган. Препарат билан даволаш фониди ЁГ клиник белгиларида ижобий динамика кузатилди: беморларнинг 93,4% ида диспептик синдром, 76,5% ида астеновегетатив синдром белгилари, 83,4% ида гепатомегалия, шунингдек, ўнг қовурға остиди оғриқ камайди.

